

## **ФИСКАЛ ИНСТИТУТ**



**Мағзұ: Якка тартибдаги тадбиркорларни солиққа тортиш**

**Марузачи:** катта ўқитувчи Ф.Рузиев

**Тошкент - 2023 йил**

## **Мавзуга оид режа:**

- 1. Якка тартибдаги тадбиркорлар, улар томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва ходим ёллаш ҳуқуқи**
- 2. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиқса тортиш тартиблари**
- 3. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини қатъий белгиланган ставкаларда тўлаш тартиби**
- 4. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар ва уларни қўллаш тартиби**
- 5. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини декларация асосида тўлашнинг ўзига хос жиҳатлари**

### **Таянч сўз ва иборалар**

Жисмоний шахс, тадбиркорлик, якка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат, дехқон хўжалиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қатъий белгиланган сумма, декларация.

### **1. Якка тартибдаги тадбиркорлар, улар томонидан амалга ошириладиган фаолият турлари ва ходим ёллаш ҳуқуқи**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва эркинлаштириш шароитида мамлакат иқтисодиётини тараққий этишининг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Шунга кўра мамлакатимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш бугунги кунда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президентимизнинг сўзлари билан айтганда, биз фақат фаол тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз. Тадбиркорлик (инглизча – enterprise, enterprising, русча -предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташабbusи асосида мустақил фаолиятидир.

Шу ўринда **жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти**- улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи тавакkal қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташабbusкорлик фаолиятидир. Демак, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини бевосита қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширишлари деганда, нафақат уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда рухсат этилган фаолият турлари билан шуғуланишлари, балки уларнинг амалга ошираётган тадбиркорлик фаолият тури учун белгиланган солиқлар ва йифимларни тўлашлари ҳам тушунилади.

Жисмоний шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти якка тартибда якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳамда юридик шахсни ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркор, оддий ширкат ҳамда дехқон хўжалиги шаклларида амалга оширилади.

Жисмоний шахслар томонидан юридик шахсни ташкил этмасдан хусусий тадбиркор сифатида шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сонли қарори билан тасдиқланган. Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига хукуматнинг тегишли қарорлари билан бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 майдаги 255-сонли қарори билан киритилган 88-фаолият тури ҳисобга олинган) ҳолда, ҳозирги кунда уларнинг рўйхати 88 та фаолият турини ташкил этади.1-жадвал.

### **1-жадвал.**

### **Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари РЎЙХАТИ**

T/p	Фаолият турининг номи
<b>I.</b>	<b>Чакана савдо:</b>
1.	Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан чакана савдо қилиш (курилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотларининг барча турлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмлар, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар, янги импорт автомобиллар, фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно)
2.	Кўчма савдо обьектларида аралаш чакана савдо қилиш (вактинча жойлашган ва мавсумий ёки мақсадли хусусиятга эга бўлган, шунингдек, иш куни тамом бўлгандан кейин обьектни демонтаж қилиниши ва кўчирилишини талаб этувчи обьектларда)
3.	Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
4.	Газеталар, журналлар ва китоб маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш
5.	Товарларни импорт қилиш ва улар билан чакана савдо қилиш (курилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари, ўсимлик мойи, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, нефть маҳсулотларининг барча турлари, қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмлар ёхуд бундай материаллар қўлланилган буюмлар, аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар, янги импорт автомобиллар ва фармацевтика товарларини сотиш бундан мустасно), бунда олиб кирилаётган товарларнинг нархи бир ойда 5000 АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслик шарти билан
<b>II.</b>	<b>Конун хужжатларида белгиланган рўйхат бўйича хунармандчилик фаолияти.</b>
<b>III.</b>	<b>Маишӣ хизматлар, II бўлимда назарда тутилганиларидан ташқари:</b>
6.	Сартарошлиқ хизматлари, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва шунга ўхшашибошқа хизматлар
7.	Кир ювиш, куруқ ва кимёвий тозалашни ташкил этиш, шунингдек, дазмоллаш хизматлари
8.	Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ва тозалаш
9.	Тикув, мўйна, чарм ва трикотаж буюмларни, бош кийимларни ва тўқимачилик галантериясидан тикилган буюмларни таъмирлаш, аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича тикув ва трикотаж буюмларини, бош кийимларини ва тўқимачилик галантериясидан буюмларни тикиш, шу жумладан дераза ва эшик пардаларини тикиш, каштачилик

10.	Хайвонлар терилари, мўйна, тўқимачилик, чарм буюмлар ва бошқа буюмларни ошлаш ва бўяш
11.	Аҳолининг якка тартибдаги буюртмалари бўйича пойабзал тикиш, пойабзални таъмирлаш, бўяш ва тозалаш
12.	Атторлик буюмларини тайёрлаш ва таъмирлаш
13.	Бижутерия ва жевакларни тайёрлаш ва таъмирлаш
14.	Калитлар тайёрлаш
15.	Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
16.	Гулчамбарлар (шу жумладан, мотам гулчамбарлари), сунъий гуллар, икебана, гул маржонларини тайёрлаш
17.	Тўсиқлар, ҳайкаллар, металдан ясалган гулчамбарларни тайёрлаш ва таъмирлаш
18.	Ёғочдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар (мебелдан ташқари) тайёрлаш
19.	Инвентарни (хўжалик, спорт, балиқчилик ва ҳоказо) таъмирлаш ва тайёрлаш
20.	Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
21.	Тайёр мебелни йигиш, таъмирлаш ва драпировка қилиш
22.	Мусиқа асбобларини таъмирлаш ва созлаш
23.	Якка буюртма бўйича қимматбаҳо металлардан ва тошлардан заргарлик буюмларини ясаш, шунингдек, заргарлик буюмларини таъмирлаш
24.	Оптика, соатларни таъмирлаш ва металл, пластмасса, сопол, фаянс, тош, картондан маҳсулотларда ўймакорлик ишлари (қавариқ ёзувлар ва тасвирлар тушириш)
25.	Радиоэлектрон аппаратлар, майший машиналар, майший приборлар, офис машиналари ва ҳисоблаш техникасини таъмирлаш, ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш
26.	Транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, шу жумладан, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш хизматларининг бошқа турлари (акустик тизимлар ва қўриқлаш сигнализацияларини таъмирлаш ва ўрнатиш, полировкалаш, кузовга ҳимоя ва безак қопламаларини қоплаш хизматлари)
27.	Санитария-техника хизматлари ва пайвандлаш ишлари
28.	Шиша ва ойналарни кесиш, шишага бадиий ишлов бериш
29.	Биноларга ойна ўрнатиш хизматлари
30.	Жамоат ҳожатхоналари хизматлари
31.	Ҳаммом ва сауна хизматлари
32.	Туар жойларни йиғишириш хизматлари
33.	Ҳовлилар ва боғларга қараш хизматлари, шунингдек, кўкаламзорлаштириш ишлари
34.	Боғлар, полизлар ва дов-дараҳтларни зааркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш
35.	Видео ва фотосуратга олиш хизматлари
36.	Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини (мебель, идиш-товоқлар, хўжалик, спорт, балиқчилик анжомлари, майший техника, приборлар ва бошқаларни) ижарага бериш
37.	Оилавий меҳмон уйлари ва хостелларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш
<b>IV</b>	<b>Фаолиятнинг бошқа турлари:</b>
38.	Қадоқлаш ускуналаридан фойдаланмаган ҳолда уй шароитида миллий ширинликлар, қандолат маҳсулотлари, қуртни тайёрлаш ва сотиш
39.	Миллий нон ва патир тайёрлаш ва сотиш
40.	Попкорн, фрезерда музқаймоқ, салқин ичимлик/, айрон ва гўжа тай. ва қуйиб сотиш
41.	Салатлар ва тузламалар тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитида доналаб сотиладиган таомларнинг айрим турларини тайёрлаш ва ўтириш жойлари ташкил этмасдан ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан ажратилган маҳсус жойларда сотиш

42.	Ўлчов воситалари тайёрлаш ва уларни прокатга бериш
43.	Аҳоли учун турар ва нотурар жойларни таъмирлаш бўйича хизматлар
44.	Репетиторлик хизматлари
45.	Таржима хизматлари, таҳрир хизматлари
46.	Болаларнинг ўйинчоқ автоматлари билан боғлиқ хизматлар
47.	Ахборотнинг криптографик ҳимояси воситаларини лойиҳалаш, яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш
48.	Дизайн бўйича хизматлар (график, интеръер, мебель ва ҳоказолар), шунингдек, чизмачилик-графика ишлари, шунингдек, рассомлик санъати
49.	Компьютер дастурларини ишлаб чиқиш хизматлари, компьютер ўйинларини ташкил этиш, шунингдек, компьютер ёрдамида матнларни териш ва босиб чиқариш хизматлари, матндан нусха олиш ва кўпайтириш билан боғлиқ хизматлар
50.	Ташриф қоғозлари ва таклифнома билетларини тайёрлаш ва босиши
51.	Муқовалаш ишлари
52.	Рекламани ишлаб чиқиш ва жойлаштириш
53.	Сугурта агентлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар
54.	Концерт-томуша фаолиятини амалга ошириш
55.	Тантанали маросимларни ташкил этиш хизматлари (тўй, юбилей, туғилган кун ва ҳоказолар)
56.	Кўйлак ва костюмларни, шунингдек, уларга аксессуарларни прокатга бериш
57.	Ижтимоий хизматлар (болалар, беморлар ва кекса кишиларга қараш хизматлари)
58.	Жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шнейлинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гурухлари), тренерлик хизматлари
59.	Тўгараклар ташкил этиш ва юритиш
60.	Давлат-хусусий шерикликнинг оиласи нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва услубий жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилган оиласи нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти
61.	Тулумни шишириш хизматлари (таксидермик ишлар)
62.	Тегирмонларда донни майдалаш (тозалаш) хизматлари
63.	Мол сўйиш хизматлари
64.	Уй ҳайвонларига қараш хизматлари
65.	Ветеринария фаолияти
66.	Юкларни автомобиль транспортида ташиш
67.	Йўловчилар ва юкларни дарё транспортида ташиш
68.	Ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хом ашёни етиштириш, йигиштириш, тайёрлаш ва сотиш
69.	Гуллар ва декоратив дараҳтлар етиштириш ва сотиш (шу жумладан бонсай санъати)
70.	Аквариум балиқлари, декоратив қушлар ва бошқа ҳайвонларни кўпайтириш ва сотиш
71.	Шиша идишлар ва иккиласмчи хом ашёни қабул қилиш хизматлари (металл чиқиндиларидан ташқари)
72.	Риэлторлик фаолияти
73.	Жисмоний ва юридик шахсларга маҳсус ва қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш
74.	Ташкилотлар учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш бўйича хизматлар
75.	Илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишлар учун пудрат шартномаси бўйича ишларни бажариш
76.	Матрицали принтерлар ва алфавит-рақам босма курилмалар учун бўёвчи тасмаларни тайёрлаш ва қайта ишлаш
77.	Қоғозлар ва скростишувателлар учун конвертлар, папкалар тайёрлаш
78.	Телекоммуникациялар операторларига, провайдерларига воситачилик хизматлари

	кўрсатиш (абонентлар ёки хизматлар кўрсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати кўрсатиш, хизмат кўрсатувчиларнинг хизматлари учун тўловларни қабул қилиш)
79.	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари
80.	Туристик фаолият — турагентлик ва экскурсия хизматлари, шунингдек, гидлар (гидтаржимонлар), экскурсия етакчилари ва йўриқчи-йўл бошловчилар хизматлари
81.	Дурадгорлик ишлари (аҳоли буюртмалари бўйича дурадгорлик ишларини амалга ошириш)
82.	Металлни таъмирлаш ишлари (уй шароитида металлдан тайёрланган майший буюмларни таъмирлаш (калитларнинг дубликатларини тайёрлаш, соябонларни таъмирлаш, бошқа майший металл буюмларни оддий таъмирлаш)
83.	Ёғоч меъморчилиги (болалар майдончалари ва парк зоналари учун ёғочдан ясалган қурилмалар, ҳайкаллар)
84.	Газламаларга нақшлар солиш (газламалар ва кийим ашёларини қўлда бўяш, газламаларга, шу жумладан трафаретли босма ва қўлда расм чизиш усули билан расмлар солиш)
85.	Қимматбаҳо металларни олтин изловчилар усулида қазиб олиш
86.	Туристларга уй-жойни қисқа муддатга ижарага бериш (30 кунгача)
87.	Давлат хизматлари кўрсатишида агент сифатида иштирок этиш
88.	Кўп квартирали уйни бошқариш (малака (аттестация) сертификатига эга бўлганлар)

Изоҳ. Агар якка тадбиркор фаолиятнинг асосий турига нисбатан ёрдамчи хисобланган фаолиятни амалга оширса, қатъий белгиланган солик фаолиятнинг бир тури учун тўланади.

Ушбу рўйхатга киритилган фаолият турлари юридик шахс шаклидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ушбу рўйхат доирасида ўз фаолиятини амалга оширадиган якка тартибдаги тадбиркорлар қонун хужжатларида белгиланган тартибда ташки иқтисодий фаолият билан шуғуланишлари мумкин.

Оилавий тадбиркорлик бу -эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорликда оила аъзоларига- эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан фарзандликка олинган болалар киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги ПФ-5242-сон Фармони билан эса ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхати тасдиқланган.

2021 йил 22 ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 707-сонли қарори асосида якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ)ларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари бўйича беш нафаргача ходимларни ёллаш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5242-сон Фармони билан эса ҳунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган буюмлар ва товарлар (иш, хизмат кўрсатиш) турларининг рўйхати тасдиқланган. 2-жадвал.

**2-жадвал**

**Хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари  
РЎЙХАТИ**

T/п	Асосий йўналишлар	Шогирд сони
1.	Ганч ўймакорлиги	5
2.	Қўлда гилам тўкиш	10
3.	Қўлда газламалар тўкиш	10
4.	Тош ўймакорлиги	5
5.	Миниатюра, ранг тасвир, наққошлиқ ва бўёқли нақшлар	10
6.	Кандакорлик, мисгарлик буюмлари	10
7.	Металлдан ясалган буюмлар	5
8.	Тунукадан ясалган буюмлар	5
9.	Миллий пойабзал тайёрлаш	10
10.	Миллий либослар тайёрлаш	10
11.	Бош кийимлар тайёрлаш	10
12.	Ёғоч ўймакорлиги	10
13.	Суякка ўйма нақш солиш	5
14.	Гул босилган газламалар ва чокли буюмлар	10
15.	Каштачилик	10
16.	Зардўзлик буюмлари	10
17.	Мусиқа асбоблари	5
18.	Чинни, фаянс ва сопол буюмлари	10
19.	Қимматбаҳо металлдан ясалган заргарлик буюмлари	10
20.	Ўйинчоқлар	10
21.	Майда ҳайкалтарошлиқ буюмлари	10
22.	Чарм маҳсулотлари	10
23.	Муаллифлик мебелларини тайёрлаш	5
24.	Ёғодан тайёрланган халқ хунармандчилиги маҳсулотлари	5
25.	Печка ва каминлар ясаш	5
26.	Новдалардан буюмлар тўкиш	10
27.	Мозайка ишлари	5
28.	Кўзгу тайёрлаш	5
29.	Шиша пуфлаш ишлари	5
30.	Ҳажмли ва шаклли қолипларда қўйилган буюмлар	5
31.	Соатсозлик	5
32.	Эмаллаш ишлари	5
33.	Эсадалик буюмлари	10
34.	Оддий металлардан миллий услугда тайёрланган тақинчоқлар	10

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сонли қарорига асосан 2023 йил 1 январдан бошлаб:**

якка тартибдаги тадбиркорларга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қўйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)ни (кейинги ўринларда — умумий қурилиш ишлари), шу жумладан юридик шахслар учун ҳам бажаришга;

қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида якка тартибдаги тадбиркорларни жалб қилишга рухсат этилди.

Қарорда белгиланишича:

якка тартибдаги тадбиркорларга умумий қурилиш ишларини бажариш учун беш нафаргача ходимларни ёллашга рухсат этилади;

умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда камида уч нафар ходимни ёллаган якка тартибдаги тадбиркорга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади. Бунда, субсидия миқдори битта ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаслиги лозим.

## **2. Якка тартибдаги тадбиркорларни солиқка тортиш тартиблари**

Товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлайди. Бунда улар жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашнинг қўйидаги 2 хил усулидан бирини танлашга ҳақли, яъни:

Солиқ кодексининг 392-моддасида белгиланган тартибда қатъий белгиланган миқдорда тўлашни;

Солиқ кодексининг 397-моддасида белгиланган тартибда жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида тўлашни танлашга ҳақли.

Солиқ тўловчилар ушбу солиқ тўлаш тартибини қўйидагилар орқали танлашга ҳақли:

1) тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида танланган солиқ тўлаш тартибини кўрсатиш;

2) доимий яшаш жойи бўйича солиқ органларига жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида билдириш хати тақдим этиш.

Солиқ тўловчи томонидан билдириш хатини кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаслиги унинг солиқни қатъий белгиланган миқдорда тўлашга розилигини билдиради.

Қайд этиш лозимки, даромад солиғи товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида **100 млн. сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорларга** нисбатан тадбиқ этилади.

Солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади юз миллион сўмдан ошган, лекин бир миллиард сўмгacha бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солиқни тўлашга ўтади ёки ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашга ўтиши мумкин.

Товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида бир миллиард сўмдан ошган ёхуд ихтиёрий равишда қўшилган қиймат солиғини тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи тўлашга ўтади.

Солиқ кодексининг 402-моддасига асосан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланаётган жисмоний шахслар ҳам ижтимоий солиқни тўловчи ҳисобланади ва календарь ойда ишлаган кунлари сонидан қатъи назар ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг белгиланган миқдорида ижтимоий солиқни тўлайдилар. Шунингдек, сувдан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлайдилар.

### **3. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини қатъий белгиланган ставкаларда тўлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-599-сонли қонунида қатъий белгиланган солиқ ўрнига тегишинча қатъий белгиланган миқдорда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги киритилганлиги, уларнинг тўловчиларига қонун ҳужжатларида илгари белгилаб қўйилган имтиёзлар ва алоҳида ҳисоблаш тартиби татбиқ этилиши белгилаб қўйилган.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш хоҳишини билдирган солиқ тўловчилар даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларида даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрлари куйидагилардир:

- 1) Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) даромадларини ва харажатларини ҳисобга олиш китobi;
- 2) Товар чеклари китobi.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрларининг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Даромадларни ва харажатларни ҳисобга олиш регистрлари якка тартибдаги тадбиркорни (оилавий тадбиркорлик субъектини) солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органлари томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) аризаси асосида рўйхатдан ўtkазилади.

Солиқни тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти солиқ тўловчига даромад тўлайдиган ва солиқ агентлари деб эътироф этилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг зиммасига юқлатилади. Яъни якка тартибдаги тадбиркор билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслардан олинадиган солиқ якка тартибдаги тадбиркор (солиқ агенти) томонидан ҳисоблаб чиқарилади ва тўлов манбаида ушлаб қолинади.

Якка тартибдаги тадбиркор бўлган солиқ агентлари, агар Солиқ кодексининг 57-боби (Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида даромадларга солиқ солиш)да бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ўзларининг ёлланма ходимларига оид 389-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган солиқ ҳисботини ўзи солиқ бўйича ҳисобда турган жойидаги солиқ органига тақдим этади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммалари тадбиркорлик фаолияти тури ва физик қўрсаткичларига нисабатан фаолиятни амалга ошириш жойини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланадиган бўлди.

**Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш** хоҳишини билдирган солиқ тўловчи якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини **хар ойда**, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган **ойнинг ўн бешинчи санасидан** кечиктирмай, Солиқ кодексида белгиланган миқдорларда тўлайди.

**Якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг**

### **ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СТАВКАЛАРИ**

Т/р	Фаолият тури	Қатъий белгиланган бир ойлик сума (сўмда)			
		Тошкент шаҳри	Нукус ш. ва вил.маркази бўлган шаҳарлар	Бошқа шаҳарлар	Бошқа аҳоли пунктлари
1.	<b>Чакана савдо:</b>				
	озиқ-овқат товарлари ва ноозиқ-овқат товарлари билан	825 000	660 000	330 000	220 000
	дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан	275 000	165 000	110 000	55 000
	газеталар, журнallар ва китоб маҳсулотлари билан	275 000	165 000	110 000	55 000
2.	<b>Маишӣ хизматлар</b>	275 000	165 000	110 000	55 000
3.	<b>Бошқа фаолият турлари</b>	250 000	165 000	110 000	55 000
4.	<b>Автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари:</b>				
	3 тоннагача юк кўтариш кувватига эга юк автомобиллари учун			165 000	
	3 тоннадан ортиқ юк кўтариш кувватига эга юк автомобиллари учун			250 000	

Солиқ тўловчи:

бир нечта фаолият тури билан шуғулланганида, ҳар бир фаолият тури учун алоҳида-алоҳида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди, фаолият билан икки ва ундан ортиқ аҳоли пунктларида шуғулланганида эса, ушбу аҳоли пунктлари учун ўрнатилган юқори ставкада солиқ тўланади;

тадбиркорлик фаолиятини ижарага олинган ускуналарда ва бинода амалга оширган тақдирда, яшаш жойидаги солиқ органига ижарага берувчи тўғрисида маълумотнома (ахборот) тақдим этишга мажбур;

I ёки II гурӯҳ ногиронлиги бўлган шахс ҳисобланганида фаолият туридан ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, ойига қатъий

белгиланган миқдордаги солиқнинг 50 фоизини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан қўп бўлмаган миқдорда тўлайди;

«Хунарманд» уюшмаси аъзоси бўлган ва хунармандчилик маҳсулотларини (товарларини, хизматларини) ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиши амалга оширганида қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлашдан озод этилади;

болалар ўйин автоматлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатса, ҳар бир жиҳозланган жой (бирлик) учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқни тўлайди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан олинган даромадларига 12 фоизлик ставкада солиқ солинади.

Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ суммаларига фаолият амалга ошириладиган жойларнинг хусусиятларига, шунингдек фаолият амалга ошириладиган турларининг мавсумийлиги қараб 0,7 дан 1,3 гача камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентлар белгилашга ҳақли.

Солиқ тўловчи қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни у тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан ёки якка тартибдаги тадбиркор ёхуд оиласвий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади. Бир нечта фаолият тури билан шуғулланаётган солиқ тўловчилар ҳар бир фаолият тури бўйича қатъий белгиланган миқдорда солиқни алоҳида, шу фаолият тури учун белгиланган миқдорда тўлайди.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлаш қўлланиладиган фаолиятдан олинадиган даромадлар билан бирга бошқа даромадлар оловчи солиқ тўловчилар бу даромад турлари бўйича алоҳида ҳисоб юритиши шарт ва бу даромадлар бўйича жами йиллик даромадлар тўғрисидаги декларация асосида, Солиқ кодексининг 397-моддасида назарда тутилган тартибда ва 381-моддасида белгиланган ставкалар бўйича солиқ тўлайди.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оиласвий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисидаги аризани олган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган навбатдаги иш куни тугагунига қадар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг (оиласвий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинча тўхтатилганлиги ёки қайта тикланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Қатъий белгиланган миқдорда солиқ тўлашни тўхтатиб туриш учун қуйидагилар асос бўлади:

1) солиқ органлари томонидан олинган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг якка тартибдаги тадбиркорнинг (оиласвий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги ахборот;

2) солиқ органлари томонидан олинган якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳар бир ёлланган ходимга берилган ҳисобга олиш карточкалари.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг (оилавий тадбиркорлик субъектининг) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлар солиқ ҳисобида турган жойидаги солиқ органларига йилнинг ҳар бир чораги якунлари бўйича, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг ўнинчи кунидан кечиктирмай тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 480<sup>1</sup>-моддасида маҳсус солиқ ставкалари қўлланилишини назарда тутувчи солиқ солишининг алоҳида тартиби қўлланиладиган Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари кўрсатиб ўтилган. Ушбу алоҳида ҳудудлар қуидагилардан иборат:

Фарғона вилоятининг:

- Сўх тумани;
- Риштон туманининг Чўнгара маҳалласи;
- Фарғона туманининг Шоҳимардон, Ёрдон маҳаллалари ва Ҳосилот маҳалласининг Тоштепа - 2 кўчаси.

Солиқ кодексига янги киритилган 480<sup>2</sup>-моддага асосан ушбу ҳудудларда солиқ ставкалари қуидаги миқдорларда белгиланади:

1) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича:

Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган солиқ тўловчилар учун қатъий белгиланган миқдорлардаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳар чорақда йигирма беш минг сўм миқдорида тўланади;

2) ижтимоий солиқ бўйича:

Ўзбекистон Республикасининг айrim ҳудудларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун - йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг камида бир баравари миқдорида тўланади.

#### **4. Якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган имтиёзлар ва уларни қўллаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сонли Қарорига асосан:

кишлоқ туманларида, бундан аҳоли сони 5 минг кишидан кўп бўлган аҳоли пунктлари мустасно, сартарошона хизматларини, якка тартибдаги буюртмалар бўйича кийим тикиш хизматларини, пойабзал таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни ташкил этган, шунингдек, жамоат ҳаммоларини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркорлар 2023 йил 1 июлгача барча турдаги солиқлар тўлашдан озод этилган.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъектлари З нафаргача доимий ишчиларни ёллашга, улар билан меҳнат шартномаси тузишга, шунингдек, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган бошқа яқин қариндошларини, шу жумладан, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган болалари ва невараларининг эр-хотинларини, меҳнатга лаёқатли ёшга тўлган ака-укалари ва опа-сингилларини, уларнинг эр-хотинларини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик субъекти иштирокчилари сифатида жалб қилишга ҳақли.

Ушбу қарорга асосан биринчи марта микрокредит олган якка тартибдаги тадбиркорлар уни олган санадан бошлаб 6 ой мобайнида қатый белгиланган солиқ тўлашдан озод этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3651-сонли қарорига асосан мактабгача таълим нодавлат муассасасини ташкил этган якка тартибдаги тадбиркор мактабгача таълим нодавлат муассасаси ўз фаолиятини амалга ошира бошлагандан кейин 10 йил муддатга барча турдаги солиқлардан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 февралдаги “2017-2018 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2803-сонли Қарорига асосан Мўйноқ туманида давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу худудда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 10 йил мобайнида қатый белгиланган солиқ (ҳозирги даромад солиғининг қатый белгиланган суммасидан) озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 сентябрдаги “Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех, Нурота туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолиси бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3301-сонли Қарорига асосан Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех туманлари, Нурота туманидаги Дехибаланд, Сентоб, Темирковук, Қизилча, Гум ва Чўя аҳоли пунктлари ҳамда Зарафшон шаҳри худудларида рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар 2017 йилнинг 1 октябридан 2028 йилнинг 1 январига қадар қатый белгиланган солиқ (ҳозирги даромад солиғининг қатый белгиланган суммасидан) озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги “2021 — 2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ худудини ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4995-сон қарорига асосан Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ худудида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2024 йил 1 январга қадар янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатый миқдордаги даромад солиғининг 50 фоизини тўлашдан озод қилинди.

**2021 йил 14 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида”ги ЎРҚ-714-сонли қонуни билан қўйидагилар якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатый белгиланган суммаларини тўлашдан озод қилинади:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳар бир шаҳари ва тумани учун «ўсиш нуқтаси» деб

белгиланган фаолият турларини амалга ошираётган янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1 январга қадар бўлган муддатга;

Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтакўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларида жойлашган, янгидан ташкил этилган саноат соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари — 2024 йил 1 январга қадар бўлган муддатга.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан аниқланган рўйхат бўйича Қорақалпоғистон Республикасида хизматлар кўрсатишга ихтинослаштирилган ва оғир шароитлардаги 45 та маҳалла ва овулларда жойлашган, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари — 2026 йил 1 январга қадар бўлган муддатга. Тадбиркорлик субъектларининг мазкур тоифаси фойда солиғидан ҳам озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6314-сонли Фармонига асосан 2021 йил 1 октябрдан бошлаб қўйидагилар бекор қилинди:

қатъий белгиланган миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тўловчиси бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан солиқ органларига солиқ ҳисоботини топшириш мажбурияти;

алоҳида тайёр импорт истеъмол товарларининг божхона декларацияси расмийлаштирилган санадан кейин 12 ой ўтгач сотувга қўйилиши ҳамда чакана савдода реализация қилинишига қўйилган тақиқ;

2022 йил 1 январдан 2023 йил 1 январга қадар республика туманларида (Тошкент шаҳри бундан мустасно) фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларига белгиланган ижтимоий солиқ ставкаси икки бараварга пасайтирилган ҳолда базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгиланди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги ПҚ-366-сонли қарорига асосан** 2023 йил 1 январдан бошлаб якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар учун ижтимоий солиқ суммасининг энг кам миқдори ойига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваригача камайтирилди (бундан савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар билан меҳнат муносабатларида бўлган жисмоний шахслар мустасно).

## **5. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини декларация асосида тўлашнинг ўзига хос жихатлари**

Солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифалари, жумладан товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади календарь йилида юз миллион сўмдан ошмайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласвий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга

ошираётган оила аъзолари даромад солиғини Солиқ кодексининг 397-моддасида белгиланган тартибда жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация асосида тўлашни танлашга ҳақли.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оиласий тадбиркорлик шаклида фаолиятни амалга ошираётган оила аъзолари даромад солиғини декларация асосида тўлаш тартибини қуидагилар орқали танлашга ҳақли:

1) тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтказилиши чоғида танланган солиқ тўлаш тартибини кўрсатиш;

2) доимий яшаш жойи бўйича солиқ органларига жорий йилнинг 25 январидан кечиктирмасдан танланган солиқ тўлаш тартиби тўғрисида билдириш хати тақдим этиш.

Агарда солиқ тўловчи томонидан билдириш хати жорий йилнинг 25 январигача тақдим этилмаса, ушбу ҳолат унинг солиқни қатъий белгиланган микдорда тўлашга розилигини билдиради.

*Масалан: Якка тартибдаги тадбиркор 2023 йил 3 март куни давлат рўйхатидан ўтказилган ва декларация асосида солиқ тўлаш тартибини танлаган бўлса, у ҳолда ушибу тадбиркор 31 марта қадар тадбиркорлик фаолияти бўйича тегишли шаклдаги дастлабки декларацияни тақдим этиши лозим.*

Солиқ кодексида назарда тутилган ҳолларда солиқ суммаси солиқ органи томонидан ҳам ҳисоблаб чиқарилиши мумкин. Ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳисобланган жисмоний шахсларнинг шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобваракларига ўтказиладиган мажбурий ойлик бадаллар суммасига камайтирилади.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўлайдиган якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларни олиш билан боғлиқ бўлган даромадлар ва харажатлар ҳисобини юритиши шарт ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳақиқатда амалга оширилган ва хужжатлар билан тасдиқланган харажатларни даромаддан чегириб ташлаш хуқуқига эга.

Якка тартибдаги тадбиркорлар дастлабки тарздаги декларацияни (деларация асосида солиқ тўлайдиганлари) - жорий йилнинг 1 февралидан кечиктирмай тақдим этади.

Янги рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари - тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган ойнинг охирига қадар дастлабки декларацияни тақдим этади.

ЯТТлар тақдим этилган дастлабки декларацияда даромадини тахмин қилинаётган харажатларни чегирилган ҳолда кўрсатади.

Масалан: Сартарааш ЯТТ 1 ой давомида ўртacha 4 млн. сўм даромад қиласи. 1 ой давомида харажатлари 2 млн. сўм (500 минг сўм ижара тўлови, 750 минг сўм коммунал тўловлари, 150 минг сўм (50 фоизлик имтиёзни ҳисобга олган ҳолда) ижтимоий солиқ, 600 минг сўмлик фаолияти учун зарур бўлган товарларни сотиб олишга).

ЯТТ дастлабки декларациясида ҳар ойлик даромади сифатида 2000 000 сўмни (4 000 000-(500 000+750 000+150 000+600 000) кўрсатиб ўтади

Мисолимизда дастлабки декларация асосида мазкур ЯТТга даромадидан келиб чиқиб ҳар ойда ойига 240 минг сўм (2 000 000 \* 12 %) даромад солиги ҳисобланади.

Мазкур якка тартибдаги тадбиркор ҳисобланган 240 минг сўм даромад солигини фаолият кўрсатган январь ойи учун 15 февралга қадар, февраль ойи учун 15 марта қадар ва ниҳоят декабрь ойи учун кейинги йилнинг 15 январига қадар ҳар ойда тўлаши лозим.

Агар солиқ тўловчи жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этмаган бўлса, шунингдек олдин тақдим этилган декларацияда нотўғри маълумотлар аниқланган ва (ёки) солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациянинг ўзгарганлиги ҳақидаги аризани Солиқ кодекси 396-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган муддатларда тақдим этмаган тақдирда, солиқ органи солиқ суммасини ўзидағи мавжуд ахборот асосида ҳисоблашга ва тўланиши лозим бўлган, ҳисобланган солиқ суммаси тўғрисида солиқ тўловчига ўн кунлик муддатда тўлов хабарномасини топширишга ҳақли. Солиқ тўловчи томонидан жами йиллик даромади тўғрисидаги декларация ёки тўғриланган декларация тақдим этилган тақдирда, солиқнинг якуний суммаси ушбу декларацияни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация асосида солиқ тўловчи тадбиркорлик субъекти солиқни тақдим этилган дастлабки декларация ёки солиқ органининг хабарномаси асосида, даромад олинган ойдан кейинги ойнинг ўн бешинчи қунигача ҳар ойда тўлайди. Йил тугагач, солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма билан йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 1 июнидан кечиктирмай солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши лозим.

Агарда календарь йилида товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади **100 млн. сўмдан ошса**, якка тартибдаги тадбиркор **айланмадан солиқ** ёхуд ихтиёрий танлаш йўли билан ҚҚС ва фойда солиги тўлашга ўтади.

Агарда календарь йилида товарлар (хизматлар) реализациясидан даромади **1 млрд. сўмдан ошса**, якка тартибдаги тадбиркор айланмадан солиқдан мажбурий тартибда **ҚҚС ва фойда солиги** тўлашга ўтади.